

# ТОКИО-2020 ОЛИМПИА ВА ПАРАЛИМПИА ЎЙИНЛАРИ ДАВОМИДА ДОПИНГ-НАЗОРАТИ ТАРТИБИ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА



*Қўлланманинг  
ўзбек тилидаги мослаштирилган матни  
Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги  
томонидан тайёрланди*



## МУНДАРИЖА

1. АНТИДОПИНГ ДАСТУРИНИ БОШҚАРИШ .....	04
2. МУСОБАҚА ВА МУСОБАҚАДАН ТАШҚАРИ ТЕСТЛАШ.....	05
3. ЛАБОРАТОРИЯ.....	05
4. WADA ТАҚИҚЛАНГАН МОДДА ВА УСЛУБЛАР .....	05
5. РЕЦЕПТЛИ ВА РЕЦЕПТСИЗ ДОРИЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ .....	06
6. ҚЎШИМЧАЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ.....	06
7. ТЕРАПЕВТИК ИСТИСНОЛАР (TUE).....	07
8. СПОРТЧИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТ .....	10
9. ДОПИНГ НАЗОРАТИ ЖАРАЁНИДА ТАРЖИМОНДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	13
10. ДОПИНГ НАЗОРАТИДАГИ СПОРТЧИЛАР УЧУН ОВҚАТ ВА ИЧИМЛИКЛАР ....	13
11. ДОПИНГ НАЗОРАТИ УЧУН ТРАНСПОРТ ТАЪМИНОТИ .....	14
12. ЁПИЛИШ МАРОСИМИ КУНИДА ДОПИНГ-СИНАМА ОЛИШ.....	14
13. ЖАҲОН РЕКОРДЧИЛАРИНИ ДОПИНГ-ТЕКШИРИШ .....	15
14. МИЛЛИЙ / МИНТАҚАВИЙ РЕКОРДЧИЛАРИНИ ДОПИНГ-ТЕКШИРИШ .....	16
15. АНТИДОПИНГ ТЕРГОВ ВА СУРИШТИРУВЛАР .....	17
16. WADA СПОРТЧИЛАР УЧУН ТАРҒИБОТ ДАСТУРИ.....	17
17. WADA МУСТАҚИЛ КУЗАТУВЧИЛАР ДАСТУРИ.....	18
18. БОШҚА АНТИДОПИНГ ТАДБИРЛАР.....	18
19. ДОПИНГ НАЗОРАТИНИНГ ТЕХНИК ТАРТИБИ.....	19
ИЛОВА А: ТОКИО-2020 ДОПИНГ НАЗОРАТИНИНГ АСОСИЙ ТУЗИЛМАСИ .....	32
ИЛОВА Б: ФОЙДАЛИ ХАВОЛАЛАР.....	32
ИЛОВА С: ФОЙДАЛИ АЛОҚА МАНЗИЛЛАРИ.....	33
ИЛОВА Д: ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙҲАТИ .....	33

## УШБУ ҚЎЛЛАНМАНИНГ МАҚСАДИ

Ушбу қўлланманинг мақсади Ўйинлар иштирокчиларига антидопинг дастури ва унинг қандай ўтказилиши тўғрисида маълумот беришдир. Ушбу қўлланма батафсил қоидалар тўплами эмас, балки қоидаларнинг асосий жиҳатлари ҳақида қисқача маълумотдир. У Халқаро Олимпия қўмитасининг (IOC) Антидопинг қоидаларини / Халқаро Паралимпия қўмитасининг (IPC) антидопинг кодексини тўлдиради, лекин унинг ўрнини босмайди ёки ўзгартирмайди.

Ушбу ҳужжат 2020 йил декабрь ойидаги режаларни акс эттиради. Ушбу ҳужжатдаги барча маълумотлар танловлар жадвалидаги ўзгаришларга, объектларнинг ишлаши ва хавфсизлик талабларига қараб қайта кўриб чиқилиши лозим.

# 1. АНТИДОПИНГ ДАСТУРИНИ БОШҚАРИШ

## 1.1 ОЛИМПИА УЙИНЛАРИ

Токио-2020 Олимпия Уйинлари даврида, 2021 йил 13 июлда Олимпия шаҳарчасининг очилишидан бошлаб 2021 йил 8 августга қадар (Уйинлар даври) ёпилиш маросими кунигача Токио-2020 XXXII Олимпия уйинларида Халқаро олимпия қўмитасининг (IOC) антидопинг қоидалари амал қилади.

IOC допинг назорати дастурини амалга ошириш учун масъулиятни Халқаро тест агентлиги (ITA) зиммасига юклади.

Уйинларда допинг-синамаларни олиш вазифаси Токио Олимпия ва Паралимпия Уйинларининг Ташкилий Қўмитасига топширилган. IOC Кодексни имзолаган ва ўз Антидопинг қоидаларини Кодекс ва Халқаро стандартларга мувофиқ равишда ўрнатган. IOC Антидопинг қоидалари, бошқа ҳужжатлар қатори, антидопинг қоидабузарликлар ва кейинги натижаларни бошқариш жараёнини батафсил баён қилади (ADRV). IOC Антидопинг қоидалари мажбурий халқаро стандартлар ва бошқа техник тартиблар билан тўлдирилади. Саралашдан ўтган ва ўзларининг Миллий Олимпия Қўмиталарида (NOC) рўйхатдан ўтган спортчилар Уйинлар давомида исталган вақтда, шунингдек жойлашган жойидан қатъий назар, Уйинлар олдидан допинг-тестдан ўтказилиши мумкин. Барча иштирокчилар IOC Антидопинг қоидаларини тан олиш ва уларга риоя этиш шарти билан Уйинларда иштирок этишга розилик билдирадилар.

## 1.2 ПАРАЛИМПИА УЙИНЛАРИ

Халқаро Паралимпия Қўмитаси (IPC) 2020 йил Токиода бўлиб ўтадиган Паралимпия Уйинларининг антидопинг дастурини 2021 йил 17 августдан бошлаб Паралимпия шаҳарчасининг очилишидан 2021 йил 5 сентябригача бўлган ёпилиш маросимигача бошқариш учун масъулдир.

Уйинларда допинг-синамаларни олиш вазифаси Ташкилий Қўмитасига топширилган. IPC Кодексни имзолаган бўлиб Кодексга мувофиқ IPC Антидопинг кодексини тасдиқлаган. IPC Антидопинг кодекси турли антидопинг қоидабузарликлардан сўнг батафсил натижаларни бошқариш жараёнини акс эттиради. IPC Антидопинг кодекси мажбурий халқаро стандартлар ва бошқа тартиблар билан тўлдирилади.

IPC Антидопинг кодекси Уйинлар давомида амал қилади. Саралашдан ўтган ва ўзларининг Миллий Паралимпия Қўмиталарида (NPC) рўйхатдан ўтган спортчилар Уйинларнинг исталган вақтида, шунингдек жойлашиш жойидан қатъий назар, Уйинлар олдидан синовдан ўтказилиши мумкин. Барча иштирокчилар IPC Антидопинг қоидаларини тан олиш ва уларга риоя этиш шарти билан Уйинларда иштирок этишга розилик билдирадилар.

## 2. МУСОБАҚА ВА МУСОБАҚАДАН ТАШҚАРИ ТЕСТЛАШ

ЮС Антидопинг қоидалари ва IPC Антидопинг қоидаларига мувофиқ мусобақа ва мусобақадан ташқари даврларда допинг-синамалар ўтказилади. Мусобақа даврининг таърифи қуйидагича: "23.59 да бошланадиган давр, спортчининг ушбу мусобақа якунида иштирок этиши режалаштирилган мусобақадан бир кун олдин ва ушбу мусобақага тегишли намуналарни йиғиш даври."

**ЭСЛАТМА:** WADA бунга рози бўлган тақдирда, Халқаро Федерация "мусобақа даври" тушунчасига бошқа таъриф белгилаши мумкин.

Мусобақадан ташқари даврдаги допинг назорати тушунчаси "ҳар қандай Мусобақадан ташқари допинг назорати" деб таърифланади. "Мусобақа" атамаси "битта пойга, ўйин ёки яққа спорт мусобақаси" деб таърифланади, масалан, енгил атлетика бўйича эркаклар ўртасида 100 метр масофага югуриш.

Иккала даврда ҳам пешоб (сийдик), ҳам қондан допинг-синамалар олиниши мумкин.

## 3. ЛАБОРАТОРИЯ

Токио-2020 Ўйинлари давомида тўпланган допинг-синамалар Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) томонидан аккредитацияланган Токио антидопинг лабораториясида ёки ЮС ва IPC билан келишилган ҳолда WADA томонидан аккредитацияланган бошқа антидопинг лабораториясида таҳлил қилинади. Допинг-синамаларнинг таҳлил натижалари антидопинг лабораторияси томонидан Антидопингни бошқариш ва мониторинг тизими (ADAMS) орқали тақдим этилади. Одатда натижалар антидопинг лабораториясига допинг-синамалар келиб тушган кундан бошлаб 24-72 соат ичида тақдим этилади. Қўшимча таҳлилларни, шу жумладан тасдиқлаш таҳлилларини талаб қиладиган синамалар учун кўпроқ вақт сарфланиши мумкин. ЮС ва IPC махфийлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш халқаро стандартида (ISPPPI) белгиланган чекланган муддатига мувофиқ келгусида қайта таҳлил қилиш дастурлари учун синамаларни узоқ муддатли сақлаш учун олиб қолади.

Ўйинлар Ёпилиши маросимидан сўнг баъзи синамалар таҳлил қилиниши давом этиши мумкин.

## 4. WADA ТАҚИҚЛАНГАН МОДДА ВА УСЛУБЛАР

2021 Тақиқланган рўйхат (Рўйхат) Ўйинлар билан боғлиқ тақиқланган модда ва услубларни ўз ичига олади. Агар Ўйинлар давомида 2021 Тақиқланган рўйхатига ўзгартириш киритилса, бу ҳақида WADA расмий веб-сайтида жойлаштирилган ҳаракатдаги нусхаси (версияси) амал қиладди. Барча спортчилар ва уларга кўмаклашувчи ходимлар Тақиқланган рўйхат матни билан танишишлари шарт.

## 5. РЕЦЕПТЛИ ВА РЕЦЕПТСИЗ ДОРИЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ

Тақиқланган рўйхатга мувофиқ спортчи фойдаланаётган ёки истеъмом қилмоқчи бўлган модда ва/ёки услуб тақиқланганлиги ёки рухсат этилганлигини аниқлаш ҳар бир спортчининг вазифасидир. Ҳар доим спортчиларга турли дори-дармонларнинг таркибини тегишли воситалар ёрдамида текшириб туриш тавсия этилади, хусусан, терма жамоа шифокорлари ва тиббий ёрдам ходимлари орқали.

Спортчининг мурожаат қилиши мумкин бўлган яна бир манба – бу бир неча миллий антидопинг ташкилотлари томонидан юритиладиган онлайн маълумот базаси - Global Drug Reference Online (Global DRO). Спортчилар ва уларга кўмаклашувчи ходимлар ушбу маълумотлар базасида турли дори-дармонларнинг таркибий қисмларининг тақиқланган ҳолатини, масалан, Австралия, Канада, Япония, Швейцария, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларида харид қилинадиган дори-дармон брендлари бўйича маълумот олишлари мумкин.

## 6. ҚЎШИМЧАЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ

Айрим истисно ҳолатлар бундан мустасно, лекин спортчилар томонидан озуқавий парҳез ёки биологик фаол қўшимчаларини (БАДларни) истеъмом қилиниши қатъиян тақиқланади, чунки кўплаб мамлакатларда қўшимчаларни ишлаб чиқариш ва қадоқлаш қатъий назоратга риоя этилмаслиги ва тартибга солинмаганлиги сабабли Рўйхатдаги моддалар билан ифлосланишига олиб келиши мумкин. Таъкидланишича, озуқавий қўшимчалардан фойдаланадиган спортчилардан олинган допинг-синамалар салбий таҳлилий натижаларга олиб келиши мумкин (AAF). Шундай қилиб, бундай маҳсулотлардан фойдаланишда ўта эҳтиёткор бўлиш тавсия этилади.

*Дори-дармонларни ва/ёки қўшимчаларни қабул қилишдан аввал спортчилар ва уларга кўмаклашувчи ходимлар доимо қуйидагиларга мурожаат қилишлари зарур:*

- *Тақиқланган рўйхатга;*
- *Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигига;*
- *Ўзларининг спорт тури бўйича Халқаро Федерациясига;*
- *Жамоа шифокорига.*

## 7. ТЕРАПЕВТИК ИСТИСНОЛАР

### 7.1 Олимпия ўйинлари

#### TUE рухсати нима?

Спортчилар бошқа инсонлар сингари, тегишли тиббий ёрдам ва дори-дармонларни истеъмол қилиш шароитларга эга бўлишлари мумкин. Зарур ҳолатда, спортчи Тақиқланган рўйхатга киритилган модда (моддалар) мавжуд дори-дармондан фойдаланиши учун Терапевтик истисно (TUE) мурожаатини расмийлаштириши ва шу орқали тақиқланган модда (моддаларни) истеъмол қилишга рухсат олиши мумкин.

Ўйинлар даври олдидан (2021 йил 13 июлга қадар)

Агар спортчи аввалдан TUE рухсатини олган бўлса

- Агар спортчига берилган TUE рухсати унинг ADAMSдаги профилига жойлаштирилган бўлса, спортчи томонидан бошқа қўшимча ҳаракатлар талаб этилмайди. Маълумот Халқаро олимпия кўмитаси ва ITAга ADAMS орқали етказилади. Аввалдан тақдим этилган барча TUE рухсатлари қайта кўриб чиқилиб улар антидопинг қоидаларига мувофиқ берилган бўлган тақдирда борича тан олинади.
- Агар спортчига берилган TUE рухсати унинг ADAMSдаги профилига жойлаштирилмаган бўлса, TUE рухсатини кўриб чиқиш имкони бўлмайди, шу сабабли тегишли файлни қайта юклаш керак бўлади.

Агар спортчи янги TUE рухсатини олиши керак бўлса

- Халқаро федерация халқаро тоифали спортчилар юзасидан ва Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги миллий тоифали спортчилар юзасидан TUE рухсат бериш жараёнини бошқаришга масъулдирлар.

Ўйинлар давомида (2021 йил 13 июлдан бошлаб 2021 йил 8 августга қадар)

TUE мурожаатларини кўриб чиқиш хавфсизлигини таъминлаш ва вақтини қисқартириш учун TUE жараёни аввалги Ўйинларга нисбатан қуйидагича ўзгартирилди:

- TUE тезкор хизматининг телефон рақами спортчилар ва уларнинг шифокорлари ихтиёрида бўлади.
- TUE мурожаатлари электрон почта орқали қабул қилинмайди.
- Ҳеч қандай жисмоний почта қутилари ва уларга тегишли қоғоз шакллар қабул қилинмайди.

TUE га қандай мурожаат қилиш керак

Агар спортчига янги TUE рухсати зарур бўлса:

- Спортчи ва унинг шифокори TUE мурожаатини Токио-2020 Олимпия шаҳарчасининг тиббий марказида жойлашган махсус офисда тақдим этишлари лозим. Жараёни тезлаштириш учун спортчига ушбу ҳолат юзасидан барча мавжуд тиббий ҳужжатларни олиб келиши тавсия этилади.
- Спортчи иштирок этолмайдиган вазиятда унинг шифокори бу TUE мурожаатини махсус офисда расмийлаштириши мумкин.
- IOC TUE қўмитаси билан ҳар қандай масала бўйича маслаҳатлашиш ҳамда <http://www.olympic.org> расмий сайтида TUE электрон мурожаат шаклларини юклаб олиш мумкин.

## 7.2 Паралимпия ўйинлари

Халқаро тоифали спортчилар

2021 йил 3 августдан бошлаб 5 сентябрга қадар Ўйинларда қатнашиш учун рўйхатдан ўтган барча спортчилар IPC Антидопинг кодексида белгиланганидек, Ўйинлар давомида халқаро тоифали спортчилар деб ҳисобланади. Шунинг учун, 2021 йил 3 августдан бошлаб TUE рухсатини тақдим этиш учун жавобгарликни IPC ўз зиммасига олиб Ўйинлар давомида TUE қоидалари барча спортчиларга тегишли бўлади.

TUE

Рўйхат бўйича касаллик ёки тиббий ҳолатни даволаш учун ҳар қандай дори-дармон ёки услубнинг тақиқланмаганлигини таъминлаш спортчининг вазифасидир. Ўткир ёки сурункали касаллик ёки ҳолатни даволаш учун спортчилар Рўйхатдаги дори-дармонларни қабул қилишлари мумкин. Буни амалга оширишдан аввал улар TUE мурожаатини расмийлаштиришлари орқали маълум тақиқланган дори-дармон ва/ёки услуб учун рухсат олишлари зарур. Спортчилар ушбу жараёни амалга оширишлари учун Миллий паралимпия ассоциацияси шифокори билан маслаҳатлашишлари керак. Барча TUE мурожаатлари ва рухсатлари 2021 Халқаро стандарти (ISTUE) бўйича бошқарилади ва ADAMSга киритилади.

Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясининг вазифалари:

- Спортчиларга дори воситалар таркибини аниқлашда фаол ёрдам бериш.
- Зарур ҳолатда тақиқланган препарат ёки услубдан даволаш мақсадда фойдаланиш учун спортчининг шифокори билан ҳамкорлик қилинг.
- TUE мурожаатини ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ тўлдиришда ёрдам беринг.
- IPC TUE қўмитаси билан ҳар қандай масала бўйича маслаҳатлашиш ҳамда <http://www.paralympic.org> расмий сайтида TUE электрон мурожаат шаклларини юклаб олиш мумкин.

- TUE мурожаати рад этилишининг энг кенг тарқалган сабаби бу тегишли тиббий ҳужжатларнинг етишмаслигидир. Спортчилар ва NPC тиббиёт ходимлари ҳар қандай тиббий муолажа, шу жумладан, диагностика ва даволаш режаларини диққат билан расмийлаштириши тавсия қилинади.

#### TUE рухсатига эга бўлган спортчилар

Ҳозирги кунда амалда бўлган TUE рухсатини тасдиқлаш тўғрисидаги гувоҳнома ва тиббий ҳужжатларнинг нусхаси энг кечи билан 2021 йил 3 август кунига қадар IPC TUE қўмитасига кўриб чиқиш учун топширилиши лозим.

Барча ҳужжатлар давлат тилида ҳамда инглиз тилидаги таржимаси билан (улар нотариал тасдиқланиши тавсия қилинади, лекин мажбурий эмас) бўлиши ва ADAMS тизимига юкланиши ёки [tue@paralympic.org](mailto:tue@paralympic.org) электрон почта манзилига юборилиши лозим. IPC спортчига аввал тақдим этилган TUE рухсати тан олинганлиги тўғрисида Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциациясига электрон почта орқали ҳабар юбориш орқали маълум қилади.

#### Янги TUE рухсати учун мурожаат қилишлари керак бўлган спортчилар

2021 йил 3 август кунига қадар спортчилар ўзларининг Халқаро федерацияси томонидан халқаро тоифали спортчи эканликларини аниқлашлари керак. Одатда, спортчи биронта халқаро мусобақаларда мунтазам қатнашиб келаётган бўлса, у халқаро тоифали спортчи деб ҳисобланади. Бунда спортчи TUE мурожаати билан тегишли Халқаро федерациясига мурожаат қилиши лозим бўлади. Акс ҳолда, спортчи Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигига мурожаат қилиши мумкин.

2021 йил 3 август кунидан бошлаб барча спортчилар IPC TUE қўмитасига мурожаат қилишлари ва тўлдирилган TUE мурожаатини илова қилинган тегишли тиббий ҳужжатлар билан бирга ADAMS тизимига юклаши ёки [tue@paralympic.org](mailto:tue@paralympic.org) электрон почта манзилига юборишлари керак. Барча ҳужжатларнинг матни фақат инглиз тилида бўлиши зарур. TUE мурожаати қаноатлантирилган тақдирда TUE рухсати фақат Ўйинлар давомида амал қилади. Бунда IPC TUE қўмитасининг тегишли қарори Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси, Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги, тегишли Халқаро спорт федерацияси ҳамда WADA Бутунжаҳон антидопинг агентлигига етказилади.

#### Ретроактив TUE

2021 ISTUE 4.3-моддасига биноан, тақиқланган препаратлар спортчининг ҳаётига хавф солувчи ҳолат, шошилиш вазиёт ёки ўткир тиббий ҳолатда қўлланилиши мумкин.

Бундай ҳолатларда TUE мурожаатини расмийлаштириш жараёни ва TUE рухсатини тақдим этиш мезонлари IPC Антидопинг қоидалари ва 2021 ISTUE да белгиланган.

TUE жараёни ва TUE мурожаатини расмийлаштириш бўйича қўшимча маълумотни <http://www.paralympic.org/the-ipc/anti-doping/tue> IPC расмий веб-сайти ёки <http://www.uznada.uz> UzNADA расмий веб-сайтида олиш мумкин.

## 8. СПОРТЧИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТ


Спортда допингга қарши курашда мусобақадан ташқари даврида ўтказиладиган самарали тест дастурлари муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён кўп жиҳатидан спортчининг жойлашуви ҳақидаги аниқ ва тўлиқ маълумотлар тақдим этилганига боғлиқ. Шунинг учун ИОС / ИРС ва Токио-2020 Ташкилий қўмитаси барча миллий олимпия ва паралимпия қўмиталаридан амалий ёрдам кўрсатишни сўраб яқиндан ҳамкорлик қилишга чорлайди.

### 8.1 Олимпия ўйинлари

#### Талаблар

Холис спортчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва допингга қарши кураш самарадорлиги ошириш учун қуйидагилар жуда муҳимдир:

- ① Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги ва Халқаро федерациялар допинг-тест олиш рўйхатларига киритилган спортчилар ADAMS орқали ўзларининг жойлашуви ҳақида маълумот беришда давом эттириб боришлари лозим.
- ② Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси Ўйинлар давомида ИТА га миллий олимпия спорт делегацияси спортчиларининг жойлашуви тўғрисидаги маълумотларни улар жойлашган бино ва хоналарнинг рўйхати билан тақдим этишлари лозим.
- ③ Ушбу маълумотлар Олимпия шаҳарчасига етиб келганидан сўнг 24 соат ичида Ўзбекистон миллий олимпия спорт делегацияси раҳбари томонидан ИТА га тақдим этилиши шарт.
- ④ Спортчилар жойлашуви ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш мажбурий даврлар қуйидагича:
  - Ўйинлар давомида (2021 йил 13 июлдан бошлаб 2021 йил 8 августга қадар)
  - Шу муддатдан ташқари даврда спортчининг Япония худудида бўлиб турган даври



- ⑤ Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси шунингдек хоналар тўғрисида маълумотни янгилаш ва мониторингини амалга ошириш ҳамда ИТА томонидан Ўзбекистон спортчиларининг жойлашувини аниқлаш юзасидан сўралган ҳар қандай қўшимча оқилна ёрдамни кўрсатиши лозим.
- ⑥ Спортчилар жойлашуви ҳақидаги маълумотни тақдим этмаслик спортчилар ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси учун тегишли интизомий оқибатларга олиб келиши мумкин.

#### “Хоналар рўйхати” дастурий иловаси

“Хоналар рўйхати” дастурий иловаси миллий олимпия қўмиталарига спортчилар жойлашган хоналар тўғрисида маълумотларни тақдим этилишини осонлаштиради. Ушбу дастурий илова тафсилотлари қуйида келтирилган:

- ① ИТА ҳар бир миллий олимпия қўмитаси билан боғланиб, махсус фойдаланувчининг тизимдаги номланиши, унга берилган вақтинчалик пароль ва тегишли кўрсатмаларни электрон почта орқали юборади.
- ② ИТА электрон почта хабари олингач, [www.ita.sport/roominglist/T2020](http://www.ita.sport/roominglist/T2020) хавола орқали мобил телефон ёки компьютерга дастурий иловани юклаб олиш ҳақида кўрсатмалар берилади.
- ③ Миллий олимпия қўмиталари ўзларининг миллий олимпия спорт делегациялари спортчиларининг рўйхатини дастурий иловада топади.
- ④ Миллий олимпия қўмиталари барча спортчиларнинг жойлашуви ҳақида маълумотларни ушбу дастурий иловага киритади.
- ⑤ Миллий олимпия қўмиталар барча спортчиларнинг жойлашувига тегишли маълумотларни зарур ҳолатларда тезкор янгилаб боради.

\* Барча масалалар юзасидан [support.rooming@ita.sport](mailto:support.rooming@ita.sport) электрон почта манзили орқали ИТА билан боғланиш мумкин.

\* Дастурий иловадаги барча маълумотларнинг тўлиқ махфийлиги таъминланган ҳолда улардан фақат допинг назорати тадбирларини ўтказиш учун фойдаланилади.

## 8.2 Паралимпия ўйинлари

IPC Антидопинг қоидаларига мувофиқ:

Агар спортчи допинг-тест олиш рўйхатига киритилмаган бўлса, IPC спортчидан унинг жойлашуви ҳақидаги маълумотни тегишли давр ичида тақдим этишни талаб қилиши мумкин ва мусобақадан ташқари даврда допинг-синамалар олиши учун етарлидир.

Агар миллий паралимпия қўмитаси IPCдан ушбу маълумот тақдим этиш юзасидан сўров олгандан кейин спортчининг жойлашуви ҳақидаги маълумотни IPC га тақдим этиш бўйича тегишли оқилона ҳаракатларни амалга оширмаса, ушбу миллий паралимпия қўмитаси жаримага тортилиши мумкин, қўшимча равишда ушбу спортчидан допинг-синама олишда IPC харажатларининг барчаси миллий паралимпия қўмитаси томонидан қопланади.

IPC барча миллий паралимпия қўмиталарининг қуйидаги мажбуриятларини белгилайди:

- IPC, Халқаро федерациялар ёки миллий антидопинг агентликларнинг допинг-тестлаш рўйхатига киритилган спортчиларнинг жойлашуви ҳақидаги аниқ ва батафсил маълумотни тақдим этилишини таъминлаш.
- Ўйинларда қатнашадиган барча спортчилар учун саёҳат жадваллари, аниқ жойлашув манзили (хоналарнинг рақамигача) ва жамоавий машғулотлар жадваллари тўғрисида ўз вақтида маълумот тақдим этиш.

IPC спортчиларнинг жойлашуви ҳақида маълумот бериш андоза шаклини тақдим этади. Ушбу шаклга биноан, миллий паралимпия қўмиталари қуйидаги маълумотларни тақдим этишлари шарт:

- Спортчининг Японияга етиб келиши ва Японияни тарк этиши санаси ҳақида маълумот.
- 2021 йил 17 август ҳолатига кўра Ўйинлар ёритилиши зонаси ҳудудига ҳали етиб келмаган спортчиларнинг жойлашуви ҳақида маълумот.
- Паралимпия шаҳарчасидаги спортчилар жойлашган хоналар ва бошқа турар жойлар ҳақида маълумот.
- Паралимпия шаҳарчаси ташқарида жойлашган спортчиларнинг жойлашуви ҳақида маълумот.
- Миллий паралимпия қўмиталарининг ўқув-машғулотлари вақти ҳақида маълумот.

Юқоридаги маълумотлар [whereabouts@paralympic.org](mailto:whereabouts@paralympic.org) электрон почта манзили орқали инглиз тилида тақдим этилиши лозим. Миллий паралимпия спорт делегациясининг якуний йиғилишидан кейин 24 соат ичида ва маълумотлар ўзгарган тақдирда Ўйинлар давомида тегишли янгиланишлар тўғрисида маълумот тақдим этишда давом этишлари шарт. Буларни бажармаслик миллий паралимпия қўмиталари учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

## 9. ДОПИНГ НАЗОРАТИ ЖАРАЁНИДА ТАРЖИМОНДАН ФОЙДАЛАНИШ

Токио-2020 Ташкилий қўмитаси турли хил тилларни биладиган допинг назорати бўйича мутахассисларни жалб қилади ва мулоқот юзасидан ҳар бир спорт турининг кутилган эҳтиёжларини қондиришини таъминлашга интилади. Агар спортчи ёки унинг вакили инглиз тилида ёки допинг-назорати йўриқчиси тушунмайдиган тилда гапирса, Токио-2020 Ташкилий қўмитаси допинг назорати жараёнида спортчига қулай тилда талқин қилинишини имкон қадар таъминлайди. Шу билан бирга, агар спортчи ёки унинг вакили ўз таржимонидан фойдаланишни маъқул кўрса, унинг вакилининг ўрнига допинг-станциясига спортчи билан бирга таржимон бориши мумкин. Допинг-станциясига ҳар бир спортчи билан фақат битта таржимон кириши ва допинг назорати жараёнида иштирок этиши мумкин, фақат спортчининг пешоб синамасини топширишда бевосита гувоҳ бўлиб иштирок этиш бундан мустасно.

## 10. ДОПИНГ НАЗОРАТИДАГИ СПОРТЧИЛАР УЧУН ОВҚАТ ВА ИЧИМЛИКЛАР

### Ичимликлар

ISTI Халқаро тестлаш ва суриштирув-тергов стандартига мувофиқ, спортчи допинг-синамани тақдим этишдан олдин ўзи танлаган озиқ-овқат ёки ичимлик махсулотини истеъмол қилгани ва бу билан боғлиқ эҳтимолий хавф-хатарлар учун ўзи масъул деб белгиланган.

Допинг-станциясида (DCS) спортчилар истеъмол қилиши учун қадоқланган турли сув ва ичимликлар мавжуд бўлади. Спортчилар ҳар доим у ёки бу ичимликни шахсан танлаб олиш ҳуқуқига эга бўлиб, уларни истеъмол қилишдан аввал махсулотлар қадоқланганлиги ва қадоқлари бузилмаганига ишонч ҳосил қилишлари зарур. Допинг-станцияда спортчилар учун алоҳида на озиқ-овқат, на махсус буюртма бериш тизими мавжуд эмас. Спортчилар допинг-станциясига озиқ-овқат олиб келишлари ёки хизмат кўрсатувчи ходимлардан жисмоний машғулотлар зали каби жойлардан озиқ-овқат олиб келишини сўрашлари мумкин, аммо овқатланиш ўзлари учун хавфли бўлиши мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам допинг-станциясининг бевосита допинг-синама олиш ва расмийлаштириш хонасида овқат истеъмол қилиш тақиқланади.

### Допинг назоратидан кейин йўлдош шаҳарчалар ҳудудида овқатланиш

Спортчи допинг назоратидан ўтгач овқатланишни хоҳласа ва шу билан бирга айна вақтда яқин жойлашган ошхонанинг иш вақти тугаган бўлса, допинг-назорати йўриқчилари биронта йўлдош шаҳарча ҳудудида спортчини енгил овқат билан таъминлашда ёрдам кўрсатади.

## 11. ДОПИНГ НАЗОРАТИ УЧУН ТРАНСПОРТ ТАЪМИНОТИ

Мусобақа ўтказиладиган жойдан Олимпия / Паралимпия шаҳарчасига, шу жумладан расмий йўлдош шаҳарчаларга етказиб қўйиш мақсадида спортчилар ва уларнинг вакиллари учун допинг-назорати тугагандан сўнг транспорт воситалари тақдим этилади. Бунда допинг-назорати йўриқчилари масъул шахслар деб белгиланади.

Агар спортчи Олимпия / Паралимпия шаҳарчасидан, шу жумладан, расмий йўлдош шаҳарчадан ташқари ҳудудда жойлашган бўлса, тегишли миллий олимпия / паралимпия қўмитаси спортчини у жойлашган манзилига етиб бориши учун транспорт билан таъминлаш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олади.

## 12. ЁПИЛИШ МАРОСИМИ КУНИДА ДОПИНГ-СИНАМА ОЛИШ

### 12.1 Олимпия ўйинлари

Допинг-синамалар ўйинлар ёпилиши маросими куни ҳам ўтказилади. Допинг-назорати остида бўлган барча спортчилар, шунингдек, ёпилиш маросими бошланишидан олдин мусобақа ўтказиладиган жойда улар допинг-синамаларни топширишади. Допинг-назорати тугаганидан сўнг Токио-2020 Ташкилий қўмитаси спортчиларни ёпилиш маросими ўтказиладиган жойга ёки Олимпия шаҳарчасига, шу жумладан велошаҳарчасига, спортчи допинг-синама топширишни қачон яқунлаганига қараб етказиб қўяди. Шунинг учун Токио-2020 ёпилиш маросимида қатнашадиган барча спортчиларга ёпилиш маросимида зарур бўлиши мумкин бўлган барча буюмларини/нарсаларини (масалан, тантанали спорт либослари, миллий рамзлар ва ҳакозолар) мусобақа жойига ўзлари билан барвақт олиб келишлари тавсия этилади, чунки улар ёпилиш маросими олдидан Олимпия шаҳарчасига қайтиб бориш имконига эга бўлмайдилар.

### 12.2 Паралимпия ўйинлари

Допинг-синамалар ўйинлар ёпилиши маросими куни ҳам ўтказилади. Допинг-назорати остида бўлган барча спортчилар, шунингдек, ёпилиш маросими бошланишидан олдин мусобақа ўтказиладиган жойда улар допинг-синамаларни топширишади. Допинг-назорати тугаганидан сўнг Токио-2020 Ташкилий қўмитаси спортчиларни ёпилиш маросими ўтказиладиган жойга ёки Паралимпия шаҳарчасига, шу жумладан велошаҳарчасига, спортчи допинг-синама топширишни қачон яқунлаганига қараб етказиб қўяди. Шунинг учун Токио-2020 ёпилиш маросимида қатнашадиган барча спортчиларга ёпилиш маросимида зарур бўлиши мумкин бўлган барча буюмларини/нарсаларини (масалан, тантанали спорт либослари, миллий рамзлар ва ҳакозолар) мусобақа жойига ўзлари билан барвақт олиб келишлари тавсия этилади, чунки улар ёпилиш маросими олдидан Паралимпия шаҳарчасига қайтиб бориш имконига эга бўлмайдилар.

## 13. ЖАҲОН РЕКОРДЧИЛАРИНИ ДОПИНГ-ТЕКШИРИШ

Токио-2020 Ташкилий қўмитаси, агар тегишли Халқаро федерацияси томонидан талаб этиладиган бўлса, жаҳон рекордларини тасдиқлаш учун жаҳон рекордини ўрнатган спортчиларни допинг-назоратидан ўтказди. Паралимпия ўйинлари давомида жаҳон рекордини ўрнатган фақат паралимпия оғир атлетикачи спортчилари допинг-синама топширишади. Жаҳон рекордини янгилаган спортчига Токио-2020 Ташкилий қўмитаси тегишли хабар беради. Агар янги жаҳон рекордини ўрнатган спортчи унинг чиқишидан сўнг дарҳол хабардор қилинмаса, спортчи допинг-станциясига ташриф буюриши ва допинг-назорати мутахассисларига спортчининг жаҳон рекордини янгиланганлиги тўғрисида хабар бериши керак. Агар допинг-станцияси ёпилган бўлса, спортчи энг қисқа вақт ичида Олимпия / Паралимпия шаҳарчасидаги допинг-станциясига ташриф буюриши ва/ёки Токио-2020 Допинг-назорати хизматида кўнғироқ қилиши зарур (телефон рақами кейинроқ тақдим этилади).

Олимпия/Паралимпия рекордини тасдиқлаш учун допинг-назоратини ташкил этиш мажбурий эмас.

## 14. МИЛЛИЙ / МИНТАҚАВИЙ РЕКОРДЧИЛАРИНИ ДОПИНГ-ТЕКШИРИШ

Миллий/минтақавий рекордни тасдиқлаш учун миллий олимпия/паралимпия кўмитаси допинг-тест ўтказишни талаб этиши мумкин. Бундай допинг-тестнинг тўлови сўровчи миллий олимпия/паралимпия кўмитаси ҳисобидан қопланади.

### Тайёргарлик

Допинг-синама ўтказишни талаб этиш учун миллий олимпия/паралимпия кўмитаси қуйидагиларни тақдим этиши лозим:

- миллий/минтақавий рекордларни қайд этиш Тартибининг нусхаси.
- Миллий антидопинг агентлигининг спортчидан допинг-синамаларни олиш ва бошқариш ваколатлари мавжудлиги тўғрисида маълумот, шу жумладан, допинг-тест натижалари мониторингини олиб борувчи масъул шахснинг исми, фамилияси ва натижаларни юбориш учун зарур бўлган электрон почта манзиллини.

Юқоридаги барча маълумотлар эркин шаклдаги йўлланма хат билан бирга тақдим этилади.

### Допинг-синамалар олиш талаблари ва тўловларини амалга ошириш тартиби:

- ① Ўзбекистон миллий олимпия/паралимпия спорт делегацияси раҳбари билан боғланинг ва унга допинг-тест топширишни хоҳлаётганингизни билдиринг. Делегация раҳбари "Токио-2020 Тармоқ - уланиш" платформасидан "Қўшимча допинг-тест топшириш тўғрисида мурожаатнома ва тўлов шартномаси шакли" андоза шаклини юклаб олиб, уни чоп этилган нусхасини имзолайди.
- ② Ўзбекистон миллий олимпия/паралимпия спорт делегацияси раҳбари ёки унинг вакили Олимпия/Паралимпия шаҳарчасидаги допинг-станцияга қуйидаги хужжатларни тақдим этиши шарт:
  - Делегация раҳбари томонидан имзоланган допинг-тест топшириш тўғрисида мурожаатнома.
  - Миллий рекордларни қайд этиш Тартибининг нусхаси.
  - Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигининг инглиз тилидаги йўлланма хати.
- ③ Допинг-станциясига кириш жойида навбатчи допинг-назорати йўриқчиларига хужжатларни тақдим этинг.
- ④ Хужжатлар тегишлилигича ўрганиб чиқилиб, Сизга уларнинг имзоланган асл нусхаси қайтариб берилади.
- ⑤ Допинг-назоратидан ўтишни истаган спортчига тегишли мурожаатнома ёки унинг нусхаси тақдим этилади.

Мурожаатнома масъул допинг-назорати йўриқчиси томонидан имзоланмагунча спортчи допинг-тест топширолмайди.

- ⑥ Делегация раҳбари ёки унинг вакили шакли Молия бўлинмасига (FIN) топшириб тўловни амалга оширади. Тўлов нақд пул ёки VISA кредит карта ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Молия бўлинмаси ҳар куни соат 07:00 дан 22:00 га қадар фаолият юритади.
- ⑦ Велоспорт (BMXдан ташқари) ва сузишдан ташқари, миллий/минтақавий рекордларни ўрнатган барча спортчилар Олимпия/Паралимпия шаҳарчасининг Допинг-станциясида допинг-назоратидан ўтишлари лозим. Токио-2020 Ташкилий қўмитаси бошқа турли жойларда бундай қўшимча допинг-станцияларни ташкил этиш ва допинг-тест олиш имконига эга эмас. Велоспорт (BMXдан ташқари) ва сузиш спорт турлари бўйича спортчилар Допинг-станцияси бошқарувчиси билан допинг-тест топшириш шартлари юзасидан келишишлари керак.
- ⑧ Спортчи тўлдирилган шакл нусхасини/фотосуратини Олимпия/Паралимпия шаҳарчасидаги Допинг-станциясига тақдим этиши керак. Велоспорт (BMXдан ташқари) ва сузиш спорт тури бўйича спортчилар бевосита допинг-назорати ўтказиладиган жойда мурожаатнома нусхаси/фотосуратини тақдим этишлари керак.

## 15. АНТИДОПИНГ ТЕРГОВ ВА СУРИШТИРУВЛАР

Халқаро олимпия / паралимпия қўмиталари, Халқаро тестлаш агентлиги (ITA) ҳамда Токио-2020 Ташкилий қўмитаси ҳолис спортчилар ва уларнинг ёрдамчи персоналини ҳамда спорт қадриятларини ҳимоя қилишга содиқдир.

ITA да антидопинг қоидабузарликлар тўғрисида хабар бериш учун қўшимча имкониятларни тақдим этиш учун «Ошкор қил» («[Reveal](#)») номли хабар юбориш платформаси мавжуд. Ушбу платформа шубҳа туғдирган ҳолат тўғрисидаги хабарни тўлиқ махфийликда ошкор қилишга имкон беради. Ушбу платформа олимпия спортчилари учун, «[Хабар бер](#)» («[WADA Speak Up!](#)») платформаси эса паралимпия спортчилари учун мўлжалланган.

## 16. WADA СПОРТЧИЛАР УЧУН ТАРҒИБОТ ДАСТУРИ

WADA Спортчилар учун тарғибот дастури дунёдаги йирик спорт тадбирларида хабардорликни ошириш ва ҳалол спортни оммалаштиришга қаратилган. У спортчилар ва уларнинг ёрдамчи персоналига мурожаат қилиш ва допингнинг зарари ва оқибатлари тўғрисида маълумот беришнинг самарали воситасига айланди. Олимпия ва Паралимпия шаҳарчаларида, шу жумладан, йўлдош шаҳарчаларда жойлашган асосий ошхоналарда турли кўринишдаги ахборот бурчаклари жойлаштирилади. Дастурнинг муваффақиятли жорий этилиши учун спортчилар, мураббийлар ва расмийлар антидопинг мутахассислари ва дунёга машҳур намунали спортчилар билан яккама-якка ўзаро муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Дастур турли хил ўқув материаллари, қизиқарли ва мазмунли викторина ҳамда турли хил интерактив машғулотлар билан бойитилади.

## 17. WADA МУСТАҚИЛ КУЗАТУВЧИЛАР ДАСТУРИ

WADA Мустақил кузатувчилар дастури (IO) Кодекс ва Халқаро стандартларга мувофиқ допинг-назорат жараёнининг барча босқичларини кузатиб бориш ва ҳисобот бериш орқали спортчилар ва жамоатчиликнинг катта тадбирларда ишончини оширишга ёрдам беради. Дастур Халқаро олимпия/Паралимпия қўмиталари, Халқаро тестлаш агентлиги (ITA) ҳамда Токио-2020 Ташкилий қўмитаси билан яқин ҳамкорлик қиладиган халқаро антидопинг мутахассислари гуруҳи орқали нейтрал ва холисона олиб борилади. IO жамоаси Ўйинлар давомида турли антидопинг дастурларининг бажарилишини кузатиб боради ва ҳар куни Халқаро олимпия/Паралимпия қўмиталари, Халқаро тестлаш агентлиги (ITA) ҳамда Токио-2020 Ташкилий қўмитаси билан ўзаро алоқада бўлади. IO Миссияси якунига кўра, Ўйинларда антидопинг дастурининг барча жиҳатлари бажарилишини ўз ичига олган умумлаштирилган ҳисобот эълон қилинади. Шунингдек, ҳисоботда келгуси Ўйинлар учун антидопинг хизматини янада такомиллаштириш бўйича зарур таклифлар киритилади. Дастурнинг мақсади Халқаро олимпия/Паралимпия қўмиталари, Халқаро тестлаш агентлиги (ITA), Токио-2020 Ташкилий қўмитаси ҳамда Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) Ўйинлар учун антидопингга қарши самарали дастурни тақдим этишда ҳамкорлик қилиш ва келажақдаги Ўйинлар учун антидопинг имкониятларини янада ривожлантиришдир.

## 18. БОШҚА АНТИДОПИНГ ТАДБИРЛАР

Япония антидопинг агентлиги томонидан яратилган “Адолатли ўйин!” намоиш стенди

Токио-2020 Ташкилий қўмитаси ва Япония антидопинг агентлиги (JADA) Токио-2020 Ўйинлари муносабати билан антидопинг таълим дастурини яратиш ва жорий этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим туздилар. Yoуogі боғида (Олимпия/Паралимпия шаҳарчасининг оммавий томоша, кўнгил очиш зонаси) JADA жамоат стендини ўрнатади. 2014 йилдан бери JADA халол спорт меросини жамлаш жамоаси спорт фидойилари ва спортга ғамхўрлик қиладиган ҳар бир инсон, шу жумладан болалар, спорт клублари, нодавлат ташкилотлар ва бошқалардан спортчиларнинг “Спортдаги Ҳақиқат” хабарларини тўплашди. Ўйинлар тарихида биринчи бор Япония антидопинг агентлиги жамоат кабиналарини очиш учун Халқаро олимпия/Паралимпия қўмиталари, Халқаро тестлаш агентлиги (ITA), Токио-2020 Ташкилий қўмитаси ҳамда Бутунжаҳон антидопинг агентлиги (WADA) билан ҳамкорлик қилади.

“Адолатли спорт дунёси: Спорт ва Санъат” ҳар бир инсоннинг спортга бўлган чин қалбини намоиш этади. Ушбу стендда меҳмонлар ўзларининг тажрибалари орқали спортнинг асл қийматини кўришлари, ўрганишлари ва ўзида акс эттиришлари мумкин бўлади. Ҳар бир инсон стендларда кўрсатилган тадбирларда қатнашиш имконига эга бўлади.

JADA антидопинг ўқув материаллари тўпламини бепул тақдим этади. Бу борада қўшимча батафсил маълумот олиш учун JADA веб-сайтига мурожаат қилишингиз мумкин: [https://www.playtrue2020-sp4t.jp/edu\\_package/](https://www.playtrue2020-sp4t.jp/edu_package/)

## 19. ДОПИНГ НАЗОРАТИНИНГ ТЕХНИК ТАРТИБИ

### 19.1 Кириш

Допинг назорати қуйидаги ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Олимпия ўйинлари	Допинг-назоратини ўтказиш ваколоти	ИОС (ИТА вакиллигида)
	Допинг-тест ўтказиш ваколоти	Токио-2020 Ташкилий қўмитаси
	Допинг-тест натижаларини таҳлил қилиш ваколоти	ИОС (ИТА вакиллигида)
Паралимпия ўйинлари	Допинг-назоратини ўтказиш ваколоти	ИРС
	Допинг-тест ўтказиш ваколоти	Токио-2020 Ташкилий қўмитаси
	Допинг-тест натижаларини таҳлил қилиш ваколоти	ИРС

### 19.2 Ишлатиладиган ускуна ва асбоб-анжомлар

Токио-2020 Ўйинларида Berlinger AG ускуна ва асбоб-анжомлари қўлланилади. Ускуналар 2021 ISTI, ART.6.3.4 га тўлиқ мос келади. Ушбу ускуна ва асбоб-анжомлар ҳақида қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги хааволага мурожаат қилинг:

<https://www.berlinger.com/drug-and-doping-control/quality-management/product-approvals/>

Қон синамаларини йиғиш учун ускуналар (масалан, игналар, вакутейнерлар ва бошқалар) Япония тиббий асбоб-ускуналари қоидаларига биноан Японияда сотиб олинади.

### 19.3 Допинг-станциясидаги ваколатли мутахассислар

Допинг-назорати вақтида фақат қуйидаги мутахассислар Допинг-станция худудига кириш ҳуқуқига эга:

- ① Допинг-тест олиш учун сараланган спортчилар
- ② Ўйинларда аккредитацияга эга бўлган спортчининг бир (1) нафар вакили
- ③ Допинг-назорати бўйича навбатчи мутахассислар (Допинг-станцияси бошқарувчилари, допинг-назорати йўриқчиларининг ёрдамчилари, допинг-назорати йўриқчилари, қон олиш бўйича мутахассислар, Токио-2020 Ташкилий қўмитаси Допинг-назоратини мувофиқлаштириш маркази мутахассислари)

- ④ Таржимон, шу жумладан, қўнгилли лингвист
- ⑤ Бутунжаҳон антидопинг агентлиги расмийлари(WADA)
- ⑥ Халқаро тестлаш агентлиги расмийлари (ITA)
- ⑦ IPC Антидопинг департаменти ходимлари (IPC-AD)
- ⑧ Бутунжаҳон антидопинг агентлиги мустақил кузатувчилари (WADA-IOs).

## 19.4 Допинг-станциясида мобил алоқа ва видеокамералардан фойдаланиш

- Спортчилар ва уларнинг ёрдамчи персонали Допинг-станциянинг кутиш зонасида бошқа спортчилар ва уларнинг ёрдамчи персоналини безовта қилмаса, ўзларининг мобил телефонидан фойдаланишлари мумкин. Хужжатларни расмийлаштириш хонасида фақат допинг-назорати йўриқчиси томонидан аниқ рухсат берилган тақдирда мобил телефонидан фойдаланиши мумкин.
- Мобил телефон камера сифатида ва/ёки Допинг-станция ичидаги жараёни ёзиб олиш учун ишлатилиши тақиқланади. Допинг-станция худудида бошқа видео ва/ёки овоз ёзиш мосламаларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

## 19.5 Билдиришнома

Спортчига у допинг-синама йиғиш учун танланганлиги тўғрисида биринчи бўлиб хабар беради, бундан ташқари спортчини хабардор қилишдан олдин учинчи шахсни хабардор қилиш зарур бўлган ҳолатлар бундан мустасно (масалан, спортчи вояга етмаган бўлса ёки таржимон талаб этилса ва хабарнома олиш учун мавжуд бўлган ҳолатлар). Билдириш жараёни олдиндан огоҳлантирмасдан ўтказилиши керак ва қоғоз шаклида амалга оширилади. Синамаларни йиғиш жараёни тугаши билан хабарнома шаклининг нусхаси спортчига берилади.

### Билдиришнома тартиби

- ① Допинг-назорати йўриқчиси спортчининг ёнига яқинлашиб, унга у допинг-тест олиш учун танланганлиги, шунингдек спортчидан олинishi мўлжалланган синама тури тўғрисида маълумот беради.
- ② Спортчи шахсини тасдиқловчи хужжатни тақдим этиши зарур (масалан, Ўйинларда ҳар бир спортчига бериладиган ID-карта). Допинг-назорати йўриқчиси спортчининг ID-кارتасини сақлаган холда спортчини Допинг-станциясига бошлаб боради.
- ③ Допинг-назорати йўриқчиси спортчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида маълумот беради.
- ④ Спортчи унга тақдим этилган шаклни имзолайди.
- ⑤ Агар хабар бериш пайтида спортчининг вакили иштирок этмаган бўлса ва хабарномани ололмаган бўлса, спортчининг вакили Допинг-станциясига бориб, ўзини таништириши ва кимлигини тушунтириши керак. Шундан кейингина вакилга Допинг-станцияси худудига кириш ҳуқуқи берилади.

## 19.6 Спортчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Спортчилар ва уларнинг вакиллари допинг-синамаларни йиғиш тартиби бўйича ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишишни олдиндан таъминлаши керак. Кўпгина мамлакатларда спортчилар бу борада фақат она тилида (давлат тилида) керакли маълумотларга эга бўладилар. Шунинг учун миллий олимпия/паралимпия қўмиталари ёки миллий федерациялар ўзларининг миллий антидопинг агентликлари билан боғланиб, керакли маълумотлар ҳамда ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан маслаҳатни олишлари керак.

### Ҳуқуқлар

- A) Вакил ёки таржимонга эга бўлиш.
- B) Синамаларни йиғиш жараёни тўғрисида қўшимча маълумот олиш.
- C) Допинг-станциясига боришни узрли сабабларга кўра кечиктиришни сўраш.
- D) Синамаларни йиғиш жараёнига ўзгартириш(лар) киритишни сўраш (масалан, жисмоний имконияти чекланган спортчи ёки вояга етмаган спортчи допинг-синама топшириши лозим бўлган ҳолатларда).

### Мажбуриятлар

- A) Допинг-назорати йўриқчиси билан дастлабки алоқа ўрнатилгандан бошлаб, синамаларни йиғиш жараёни тугагунига қадар доимо допинг-назорати йўриқчисининг бевосита кузатуви остида бўлиш.
- B) Шахсни тасдиқловчи ҳақиқий гувоҳномани тақдим этиш (масалан, Токио-2020 Ўйинларининг аккредитацияланган ID-картаси).
- C) Синамаларни йиғиш тартиб-қоидаларига риоя қилиш.
- D) Допинг-станциясига ташрифни кечиктиришга рухсат берилмаган тақдирда дарҳол допинг-станциясига етиб келиш.

**Спортчининг биронта мажбуриятга риоя қилмаслиги антидопинг қоидабузарлиги деб баҳоланиши мумкин.**

### Талаблар

- A) Синамани топширишдан аввал биронта озиқ-овқат ёки ичимлик махсулотини истеъмол қилган спортчи бу учун ўзи масъул деб ҳисобланади.
- B) Суюлтирилган синамани топшириш эҳтимолини камайтириш учун спортчи ортиқча ичимлик истеъмол қилишдан тийилиши лозим.
- C) Спортчи унга хабар берилдан кейин биринчи пешоб синамасини топшириши керак.
- D) Пешоб йиғиш ёки дренаж тизимидан фойдаланадиган спортчилар ушбу мақсадлар учун зарур жиҳозларга эга бўлишлари керак.

## 19.7 Кутиш хонаси

Қадоқланган ичимликлар допинг-станциясида тақдим этилади ва спортчи уларни допинг-станция худудида истеъмол қилиш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга, спортчи синаманинг суюлтирилишига йўл қўймаслик учун ортиқча ичимлик истеъмол қилишдан тийилиши лозим. Агар спортчи суюлтирилган синами тақдим этса, допинг-назоратини тўлиқ яқуланиши учун анча узоқ вақт талаб этилади. Спортчи истеъмол қилишдан аввал ичимлик қадоғининг бутлигини текшириши муҳим.

## 19.8 Синамаларни тўплаш

Синамаларни йиғиш тартиби билан боғлиқ маълумотлар электрон шаклда қайд этилади, яъни қоғозсиз тизим амалга оширилади. Синама йиғиш пешоб, қон ёки пешоб ва қон олишдан иборат бўлиши мумкин.

Пешоб синамаларини йиғиш тартиби

- ① Синамаларни йиғиш ортиқча шахсларсиз ва хавфсиз жойда, спортчи билан жинси бир допинг-назорати йўриқчиси томонидан амалга оширилиши керак.
- ② Синамани йиғиш жараёнида спортчига унинг вакили ҳамрохлик қилиши тавсия этилади.
- ③ Допинг-назорати йўриқчиси спортчига йиғилиши зарур бўлган допинг-синама тури ва пешоб миқдори тўғрисида маълумот беради.
- ④ Қайси турдаги синама – қон ёки пешоб синамасини биринчи навбатда топшириш кераклиги тўғрисида ҳеч қандай талаб йўқ.
- ⑤ Агар спортчининг биологик паспорти учун қон синамаси талаб этилса, спортчи камида икки соат аввал жисмоний машқлар ёки мусобақада қатнашган бўлиши керак.
- ⑥ Бу вазиятда, агар спортчи қон синамасни топшириши учун кутиш керак бўлса, ундан пешоб синамасини йиғишни бошласа бўлади.
- ⑦ Спортчи эркин танлаши учун қуйидаги жиҳозларнинг қадоқланганлигини ва хавфсизлигини таъминлаши керак:
  - Синамани йиғиш идиш тўпламлари.
  - Синамани қадоқлаш идиш тўпламлари.
- ⑧ Пешоб камида 90 мл ҳажмда йиғилади.
- ⑨ Спортчи пешоб топширишга тайёр бўлганда допинг-назорати йўриқчиси уни хожатхонага олиб боради



⑩ Спортчи синама топширишидан олдин қўлларини совунсиз ювиши ёки синама топшириш вақтида қўлқоп кийиши шарт.



⑪ Синама йиғиш вақтида пешоб тўғридан-тўғри пешоб йиғиш идишига йиғилишини таъминлаш лозим.

Бу мақсадда допинг-назорати йўриқчиси тўсиқсиз назорат қилиши учун ҳар қандай кийимни ечиб ташлашни ёки кўтаришни талаб қилади.



- Енгларни тирсаклардан юқорига кўтариш;
- Кўйлакни кўкснинг ўрта қисмигача кўтариш;
- Шимни ва ички кийимни тиззаларигача тушириш.

⑫ Спортчи синамани тақдим этган вақтдан эътиборан тўплам идишлари қадоқлангунча синама қатъий назорат қилиниши таъминланиши керак.

⑬ Спортчи тўплам идишлари, қопқоқлар, штрих-ёрликлар ва код рақамлари бир хил бўлиши таъминланиши керак.

⑭ Допинг-назорати йўриқчиси спортчи томонидан синамани қадоқлашни бошқаради. Спортчи допинг-назорати йўриқчиси кўрсатмаларига амал қилиб, унга допинг-назоратининг у ёки бу босқичи тушунарсиз бўлган тақдирда, саволлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

⑮ Спортчи ва унинг вакили допинг-назорати баённомасида қайд этилган барча маълумотлар тўғри акс эттирилганини таъминлаши керак.

⑯ Спортчи таҳлил қилиш учун фойдаланилмай қолган ортиқча пешобни тўкиб ташлаш, чиқиндига чиқариш ёки яроқсиз холга келтиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

⑰ Пешоб йиғиш жараёнини Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлигининг [www.uznada.uz](http://www.uznada.uz) расмий сайти ҳамда Facebook, Instagram ва Telegram ижтимоий тармоқларидаги [antidoping.uz](http://antidoping.uz) расмий каналларда жойлаштирилган видеороликлар орқали батафсил танишишингиз ва юклаб олишингиз мумкин.

### Синама ҳажми етарли йиғилмаган бўлса

① Агар спортчи етарли миқдордан кам ҳажмда (90 мл дан кам) пешоб топширса, қисман топширилган синама вақтинча қадоқланиши шарт.



② Ушбу босқичда спортчи пешобнинг етарли миқдорини топширмагунча тест топшириш жараёни тугалмаган деб ҳисобланади.

③ Синамани қисман топшириш босқичи спортчи етарли ҳажмда пешоб топширмагунча флаконни вақтинча қадоқлашни ўз ичига олади.

④ Ҳайвонлар давомида Berlinger AG ускунасининг қисман синама топшириш идишларидан фойдаланилади.



⑤ Етарли ҳажмда пешоб йиғиш босқичида спортчи допинг-назорати йўриқчисининг доимий кузатуви остида бўлиши лозим.

⑥ Қисман йиғилган синама допинг-станция мутахассислари томонидан сақланиб назорат қилинади.

⑦ Қўшимча синамани топширишга тайёр спортчилар бу ҳақида допинг-назорати йўриқчиларини хабардор этиши лозим.

### Таҳлил учун етарли зичлик талабига жавоб бермайдиган пешоб намуналари

① Таҳлил учун етарли зичлик: энг кам ҳажми 90 мл бўлган синаманинг зичлиги 1.005 ва ундан юқори, ҳажми 150 мл ва ундан юқори бўлган синамалар зичлиги эса 1.003 ва ундан юқори бўлиши керак.


② Агар йиғилган синама зичлик талабларига жавоб бермаса, у ҳолда спортчидан керакли зичликдаги синама олинмагунча пешоб синамаси йиғилади.

③ Бу босқич тугагунга қадар спортчи допинг-назорати йўриқчиларининг кузатуви остида қолиши лозим.

④ Бу босқич давомида спортчи допинг-назорати йўриқчиси ёрдамчисининг кузатуви остида ҳам бўлиши мумкин.

⑤ Қўшимча синама топширишни кутаётган спортчи ортиқча миқдорда ичимлик истеъмол қилмаслиги керак.

## Пешобнинг зичлигига кўра йиғиш кетма-кетлиги



### Қон синамасини йиғиш

#### ① Умумий қоидалар

- Синама тоза ва хавфсиз муҳитда йиғилиши керак.
- Қон синамаси малакали шахс томонидан йиғилиши керак.

② Қайси синамани (пешоб/қон) биринчи бўлиб йиғиш лозимлиги ҳақида ҳеч қандай талаб йўқ.

③ Спортчи допинг-синама топшириши тўғрисида хабар олишидан аввал икки соат ичида машқ қилган бўлса, қон синамасини олиш учун камида икки соат кутиш керак.

④ Бундай ҳолларда, агар спортчи қон синамасини топширишни кутиш вақтида пешоб синамасини топширишга тайёр бўлса, спортчидан пешоб синамасини олиш мумкин.

⑤ Спортчи қон синамасини топширишга тайёр бўлгач, иккала оёқларини ерга қўйиб, шу ҳолатда 10 дақиқа давомида ўтириши лозим.

⑥ Спортчи синама йиғиш ускуналарини эркин танлаши ва жиҳозларнинг хавфсизлиги ҳамда қадоғи бузилмаганига ишонч ҳосил қилиши лозим.

⑦ Керакли қон миқдори (3 мл ёки 5 мл) таҳлил қилиниши режалаштирилган қон синамасининг турига боғлиқ.

⑧ Допинг-назорати йўриқчисига зарур миқдордаги қонни олиш учун урта уринишни амалга оширишга рухсат берилади. Урта уринишдан сўнг керакли миқдорда қон олиниши таъминланмаса, допинг-назорати йўриқчиси қон синамасини йиғишни тўхтатади.

## Вояга етмаган спортчиларда допинг-синама олиш хусусиятлари

### ① Умумий қоидалар:

- 2021 йилги ISTI Халқаро тестлаш ва тергов-суриштирув стандартига асосан, 18 ёшга тўлмаган спортчи вояга етмаган деб ҳисобланади.
- Вояга етмаган спортчилар учун хабарнома ва синамалар йиғишнинг барча жиҳатлари стандарт хабарнома ва синамаларни йиғиш тартиб-қоидаларига мувофиқ амалга оширилади, агар спортчи вояга етмаганлиги сабабли ўзгартиришлар зарур бўлмаса.

### ② Хабарнома

- Вояга етмаган спортчига хабар бериш катталар/васийлар ҳузурида ўтказилиши тавсия этилади.
- Агар спортчи хабарнома бериш вақтида ва/ёки синамаларни йиғиш жараёнида қатнашишни хоҳласа, допинг-назорати йўриқчиси хабар бериш ва/ёки синамаларни йиғиш жараёнида унга ҳамроҳ бўладиган вакилни топиш учун спортчини кузатиб бориши керак.
- Хабарнома бериш ва синамаларни йиғиш вақтида спортчининг вакили спортчининг хоҳишига кўра ўзгартирилиши мумкин.

### ③ Синамалар йиғиш

- Вояга етмаган спортчига пешоб синамасини йиғиш муносабати билан унинг вакили бўлиши тавсия этилади.
- Пешоб синамаларини йиғиш давомида ўз вакилини жалб қилишдан мақсад, гувоҳ допинг-назорати йўриқчиси томонидан синама йиғиш жараёни тўғри бажарилишини назорат қилишдир.


• Синама топширишда вояга етмаган спортчида учта вариант бор:

 Athlete  Athlete Rep  DCO  DCO Rep


① Вакил гувоҳ допинг-назорати йўриқчисини кузатиши керак, спортчини эмас

- Спортчининг вакили
- Допинг-назорати йўриқчиси
- Спортчи бевосита кузатилмайди

Эркак спортчи учун:




Аёл спортчи учун:




② Вакилни DCO гувоҳи кузатмайди.  
Допинг-станцияда DCO вакили гувоҳ  
DCO ни кузатади, спортчини  
кузатмайди

- Спортчи вакили йўқ
- DCO вакили
- Спортчининг бевосита кузатуви йўқ

Эркак спортчи учун:




Аёл спортчи учун:




③ Вакил бир вақтнинг ўзида спортчини ва гувоҳ DCO ни кузатиб туради.

- Спортчи вакили
- DCO вакили
- Спортчининг сўровига биноан спортчини бевосита кузатиш

Эркак спортчи учун:



Аёл спортчи учун:



④ Синамани қадоқлаш жараёни

- Спортчининг вакили, агар у мавжуд бўлса, синама йиғиш жараёни тугагунига қадар вояга етмаган спортчининг ёнида бўлиши керак.

## Ногирон спортчиларда синама олиш хусусиятлари

IPC Халқаро паралимпия қўмитаси ногирон спортчиларда қон ва пешоб допинг-синемаларини олиш жараёни акс эттирилган махсус қўлланмани ишлаб чиқиб Паралимпия ўйинларига яқин кунларда алоҳида тақдим этади.

## Дори-дармон ва қўшимчалар тўғрисида декларация

Спортчиларга сўнги етти кун ичида буюрган / буюрилмаган дори-дармонларни ва / ёки қўшимчалар тўғрисида маълумот бериш қатъиян тавсия этилади.

## Тадқиқот учун розилик

Спортчилар допинг-назорати давомида йиғилган синемаларининг антидопинг тадқиқотлари учун ишлатилишини руҳсат бериши ёки руҳсат бермасликлари мумкин. Спортчининг тадқиқотга розилиги ҳақидаги жавоби синама таҳлили натижасига умуман таъсир қилмайди ва унга тааллуқли жиҳати йўқ.

## 19.9 Синамаларга эгалик

Ўйинлар давомида тўпланган синемалар Халқаро олимпия (IOC) ва паралимпия (IPC) қўмиталарига тегишлидир. IOC ёки IPC намуналарга эгалик ҳуқуқини Халқаро тестлаш агентлиги (ITA) ёки бошқа антидопинг ташкилотига (масалан, миллий антидопинг агентликларига) бериши мумкин.

## 19.10 Эҳтимолий хатоликлар

Қуйидаги рўйхат (тўлиқ бўлмаган рўйхат) антидопинг қоидаларини бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар (ADRV) деб ҳисобланади:

- ① Спортчи томонидан хабарнома олиш босқичида допинг-станцияга етиб келишни узрли сабабсиз кечиктириши.
- ② Спортчи хабарнома олиш босқичида бу тўғрисида махсус шаклни имзолашдан бош тортиши.
- ③ Спортчи синама топшириш жараёнини тўлиқ яқунламаслиги, масалан, спортчи қисман синемани топширганидан кейин жараённи давом этмаслиги ёки DCO талабига биноан қўшимча синама(лар) топширишдан бош тортиши.
- ④ Спортчи қон синемасини топширишдан (масалан, диний сабабларга кўра ёки игнадан қўрқиши туфайли) бош тортиши.
- ⑤ Спортчи жароҳат ёки касаллик сабабли узрли сабабсиз допинг-назоратида иштирок этолмаслиги ёки допинг-назорати талабларига бўйсунмаслиги.
- ⑥ Спортчи допинг-станциясидан ташқарида қасддан пешоб ажратиши (масалан, душ қабул қилиш вақтида).


- ⑦ Спортчи допинг-назоратидан ўтишни рад этиши.
- ⑧ Спортчи ёки спортчининг вакили допинг-назоратини бошқариш ёки мурасага келтиришга уриниши. Бунга қуйидагилар кириши мумкин (шулар билангина чегараланиб қолмаган холда):
- Спортчи синамасига бегона модда / нарсаларни жойлаштириши ва унга уриниши.
  - Спортчининг вакили синамаларни йиғиш ускуналарига тегиши.
  - Спортчи ёки унинг вакили синамани жисмонан йўқ қилиши ёки тўкиб ташлаши ёки шуларга уриниши.
- ⑨ Синамани йиғиш учун пешоб йиғиш ёки дренаж тизими зарур бўлган ҳолатда спортчи тегишли жиҳозларни етказиб беролмаслиги.

**ЭСЛАТМА:** Бундай вазиятларда DCO спортчидан қўшимча синама(лар)ни тақдим этишни ва бузилган синамаларни қадоқлашни талаб қилади. Барча синамалар лабораторияга юборилади.

## 19.11 Синама йиғиш бўйича мутахассислар

- ① Токио-2020 Ташкилий қўмитаси кафолатлайди:
- Синамаларни йиғиш бўйича мутахассислар вояга етган шахслардир.
  - Японияда қон синамасини йиғиш бўйича мутахассислар зарур малака ва амалий кўникмаларга эгадирлар.
  - Допинг-назорати йўриқчилари ва уларнинг ёрдамчилари йиғилган синамаларнинг келгуси таҳлил натижаларига қизиқиш билдиришмайди. Агар шундай бўлса, улар бундай қизиқишга эга деб ҳисобланади:
- ② Фақат Токио-2020 Ташкилий қўмитаси томонидан тан олинган аккредитацияланган синама олиш бўйича мутахассисларгина Токио-2020 Ўйинлари давомида синама олиш ваколатига эга бўладилар. Бунда берилган аккредитация фақат Токио-2020 Олимпия ва Паралимпия ўйинлари давомида амал қилади.

## ИЛОВА А: Токио-2020 допинг назоратининг асосий тузилмаси



## ИЛОВА Б: Фойдали хаволалар

Олимпия ўйинлари	Паралимпия ўйинлари
<a href="#">IOA Anti-Doping Rules</a>	<a href="#">IPC Anti-Doping Code</a>
<a href="#">ITA Intelligence platform-Reveal</a>	<a href="#">IPC TUE Application form</a>
<a href="#">World Anti-Doping Code Prohibited List-2021</a>	
<a href="#">World Anti-Doping Code and International Standards-2021</a>	
<a href="#">Global DRO – multi-lingual online drug reference database</a>	
<a href="#">Urine sample collection process - movie</a>	
<a href="#">WADA Speak Up!</a>	
<a href="#">Anti-Doping Educational Material Package provided by JADA</a>	

## ИЛОВА С: ФОЙДАЛИ АЛОҶА МАНЗИЛЛАРИ

Олимпия ўйинлари	
Rooming List иловаси бўйича	<a href="mailto:support.rooming@ita.sport">support.rooming@ita.sport</a>
Допинг-назорати бўйича	<a href="mailto:Tokyo2020_antidoping@ita.sport">Tokyo2020_antidoping@ita.sport</a>
Паралимпия ўйинлари	
TUE мурожаатлари бўйича	<a href="mailto:tue@paralympic.org">tue@paralympic.org</a>
Жойлашув маълумоти бўйича	<a href="mailto:whereabouts@paralympic.org">whereabouts@paralympic.org</a>
Допинг-назорати бўйича	<a href="mailto:antidoping@paralympic.org">antidoping@paralympic.org</a>
Ташкилий қўмита	
Допинг-назорати бўйича	<a href="mailto:testing@tokyo2020.jp">testing@tokyo2020.jp</a>

## ИЛОВА Д: Қисқартиришлар Рўйхати

Қисқартиришлар Рўйхати	
DOP FA	Допинг-назорати ҳудуди
ITA	Халқаро тестлаш агентлиги
ADAMS	Антидопинг маъмурий-бошқарувий тизими
TUE	Терапевтик истисно рухсатномаси
IOC	Халқаро олимпия қўмитаси
IPC	Халқаро паралимпия қўмитаси
NOC	Миллий олимпия қўмитаси
NPC	Миллий паралимпия қўмитаси
DCS	Допинг назорати станцияси
FIN	Молия бўлинмаси
IS	Халқаро стандарт
ISTI	Халқаро тестлаш ва суриштирув бўйича стандарт
ISPPPI	Халқаро махфийлик ва шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш бўйича стандарт
ISTUE	Халқаро терапевтик истиснолар бўйича стандарт
AAF	Салбий тест натижаси
RTP	Тест-рўйхатига киритилган спортчилар рўйхати
NADO	Миллий антидопинг ташкилоти
WADA	Бутунжаҳон антидопинг агентлиги
IF	Халқаро федерация
ADRV	Антидопинг қоидабузарлик
BCO	Допинг-назорати нозири (қон)
DCO	Допинг-назорати нозири (пешоб)



BY  WADA



**L You**  
are taking part  
in protecting  
**CLEAN  
SPORT**  
*right now*

Visit ADEL  
to find out  
more



[adel.wada-ama.org](http://adel.wada-ama.org)



